



ОДАМЛАР ЯХШИ ЯШАШИ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ — БАРЧА РАҲБАРЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 24 февраль кунги кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, енгил саноат ва энергетика корхоналарини ташкил этиш лойиҳалари билан танишди, янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда бўлиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашди. Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топти.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига таширифининг иккинчи кунини Қарши шаҳридаги Гулшан маҳалласида фуқаролар йиғини ходимлари ва профилактика инспектори биргаликда ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишишдан бошлади.

Маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бугунги кунда ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш, одамлар ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Қарши шаҳрида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти самардорлигини ошириш, улар учун замонавий шароит яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда «Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилгани бунинг далилидир.

Маҳалла идорасининг замонавий биносида барча шароит яратилган. Маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилиб, компьютер, мебель, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Профилактика инспектори хонаси маҳалла ҳудудига ҳамаёт жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиб туриш имкониятини берувчи монитор билан жиҳозланган.

Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ер одамлар келиб фикирини, таклифларини, дардини айтишлари, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳолидан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул — ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад маҳаллани кечая кундус одамларнинг аҳолидан хабардор бўладиган масканга айлантиришдир.

Гулшан маҳалласи Қарши шаҳридаги намунали маҳаллалардан. Уч ярат мингдан зиёд аҳоли истикомат қилаётган маҳалла ҳудудда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда фуқаролар йиғини раиси ва ходимлари профилактика инспектори билан биргаликда иш олиб боради. Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг пайшанба кунини «Профилактика кунини» деб белгилангани бу йўналишдаги чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, маҳалла ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари бирга ишлайдиган янги тизим яратиш зарурлигини қайд этди. Шаҳардаги барча милиция таянч пунктларини бир-бири билан боғловчи оптик толали тизим барпо этиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

«Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда профилактика инспектори оиласи билан яшаши учун турар-жой барпо этилган. Давлатимиз раҳбари ушбу хонадонда яратилган шароитлар билан танишди.

Бундай уйлар профилактика но-зирларининг кечая кундус ўз ҳудудда бўлиб, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқолишталлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, деди Президентимиз. Шунинг учун Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган барча профилактика инспекторларига мана шундай уйлар қуриб бериш зарур. Бу ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

«Асинза-БЗ» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган, қиймати 8,7 миллиард сўмни ташкил этадиган маданият ва истироҳат боғида шаҳар аҳолиси, айниқса, болажонлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва мириқиб дам олиши учун барча қўлайликлар муҳайё қилинади. Хитойнинг «Zhengzhou Beston Amusement Equipment Co. Ltd.» компаниясида ишлаб чиқариладиган замонавий аттракционлар олиб келиб ўрнатиш, замон талаблари асосида спорт ва болалар майдончалари қуриш режалаштирилмоқда.

Асосий мақсадимиз — халқимизни рози қилиш, одамларнинг фаровон яшаши учун барча имкониятларни яратишдир, деди Шавкат Мирзиёев. Одамлар бўш вақтида бу ерга келиб мароқли дам олса, фарзандлари, набираларининг қувончини кўрса, кулгуларини ашитса, ҳаётдан кўнгли тўлади, руҳи кўтарилиб, янги-янги марраларга интилади.

Президентимиз боғда яшил майсазорларни кўпайтириш, турфа гул ва манзарали дарахтлар экиш, бу ерга ташир буюрувчилар учун барча шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳридаги илгариги «Насаф» стадиони ҳудудда барпо этилаётган замонавий сузиш ҳавзаси ва дам олиш мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

25х11 метр ўлчамдаги иккита сузиш ҳавзаси ҳудудда сув спорти турларини янада оммалаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қўрғатиш, келажақда ҳаёт ва Олимпия чемпионларини тарбиялашга хизмат қилади.

Бу ерда яратиладиган замонавий шароитлар барчага манзур бўлиши муқаррар. Суви тозалаш, иситиш, ҳароратни мўътадил сақлаш ускуналари ўрнатиладиган бассейнлар бу ерга келувчиларнинг сузиш маҳоратини ошириш, соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ёшларимизнинг баркамол ўсиб-ўлғайиши учун барча шароитларни яратишимиз керак, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Шунда улар Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Имом Каримов таъкидлаганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлади.

Мажмуани жиҳозлашда илғор ва тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш, кийинчи, ювенил хоналарида барча қўлайликларни яратиш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Жайхун кўчасида қурилаётган 5 қаватли замонавий турар-жой бинолари лойиҳаси билан танишди. Ушбу кўчада аҳоли учун 25 та ана шундай кўп қаватли уй барпо этилади. Ҳудудда давр талаблари асосида фаолият юритадиган ресторанлар, супермаркетлар, иссиқ нон ва озиқ-овқат дўконлари, кафе ва чойхоналар, гўзаллик салонлари, сартарошхона ва автомобиллар турадиган жой

Президентимиз Қарши шаҳрида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Бу ерда йилига TCL бренди остида 25 минг донна замонавий телевизор, 15 минг «Samsung» чангпогичи, 100 мингдан ортиқ розетка ва электр узатгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Маҳсулот нархини арзонлаштириш ва уларни экспортга йўналтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллий-

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси лойиҳаси билан танишди.

Бугунги кунда мазкур шифохона 1990-йилларда қурилган бинода жойлашган бўлиб, бу аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бир қанча нуқулликлар келтириб чиқармоқда. Энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланган шифохонада вирусли гепатит-



Саровнинг ИСОМИДИНОВ олган сурат.

қуриш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Қарши туманида барпо этиладиган маший чийкиндиларни қайта ишлаш заводи лойиҳасини кўздан кечирди.

«Universal max service» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллион доллардан иборат. Корхонада замонавий технологиялар асосида йилига 180 минг тонна қийиндирини йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилади. Бугунги кунда дастгоҳлар сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш ишлари олиб боришмоқда.

Чийкиндиларни қайта ишлаш атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда муҳим омилдир, деди Президентимиз. Бу шаҳардаги санитария ҳолатини янада яхшилашда, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва бандлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз «Қашқадарё дори-дармон» акциядорлик жамияти томонидан Буюк Британиянинг «Roxex Trading Limited» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кукун шаклидаги антибиотик дори воситаларни ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Қиймати 5 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ушбу лойиҳага кўра клафоран, цефемед, гентомицин, цефазолин, цефотаксим ва бошқа турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсимликларни қайта ишлаш, тиббий мойлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини кўздан кечирди.

Қашқадарё воҳасининг пурвиқор тоғлари, бепоев қиру адирларида шифобахш гиёҳлар, бута ва дарахтлар сероб, деди Президентимиз. Уларни қайта ишлаш асосида доридармон воситалари ишлаб чиқариш ҳар жиҳатдан самарали ва истисқоболлидир. Соҳада ҳар бир тадбиркорга зарур имтиёз ва қўлайликлар яратиш лозимлиги қайд этилди.

Лойиҳада тирноқгил, зубтурдум, ошқовок уруғи, тоғ райони, наъматак, кийик ўғи, далачой, мойчечак каби ўсимликлардан доривор чойлар, бодом, канакунжут, шафтоли, зигир, седана, ўрик, маврак сингари бута ва дарахт меваларидан шифобахш мойлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Лойиҳани амалга ошириш натижасида юзга яқин иш ўрни яратилади.

лаштириш, корхона фаолиятига қолж бетирувчиларини жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қурилаётган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиаллари лойиҳалари тақдимотида ҳам иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширишимиз зарур бўлган ишларимиз кўп. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалалар анчагина. Мавжуд марказлар филиалларини вилоятларда ташкил этиш билан қўлаб масалаларга ечим топиш мумкин, деди Президентимиз.

Аҳолига эндокринология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими яратилгани халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Соҳага илғор илм-фан ютуқлари жорий қилинаётгани натижасида гипотиз бези, қалқонсимон без хасталиклари, қандли диабет асоратлари туфайли келиб чиқадиغان буйрак етишмовчиликлари ва бошқа оғир хасталиклар самарали даволанмоқда.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 150 ўринли Қарши филиалида йилига 700-800 жарроҳлик амалиёти ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Диабетик нефропатия, умумий эндокринология ва диабетология, қалқонсимон без ва диабетик түпик жарроҳлиги каби бўлимларни ўз ичига олган марказ энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиалида клиник-биохимик лаборатория, автоклав, поликлиника, рентген-эндоскопия жарроҳлик бўлими, аритмология, артериал-гипертензия, юрак ишемик касалликлари, реабилитация, кардиофармакология бўлимлари ташкил этилади. 120 ўринли филиал жорий йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, бу филиалларнинг ташкил этилишидан мақсад аҳолига янада кўпроқ қўлайлик яратиш, уларнинг соғлигини ишончли ҳимоя қилиш эканини алоҳида таъкидлади. Тиббиёт ходимлари беморнинг келишини кутиши керак эмас, аҳоли орасида юриб профилактика ва тиббий маданиятни ошириш, касалликнинг олдини олиш билан шуғулланиши лозим.

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида

**ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРГА
БАҒИШЛАНДИ**

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, депутатлар ва фаоллар иштирок этди.

Йиғилишда ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси Хатамжон Кетмонов қатнашди ва партия вилоят кенгашининг 2016 йилги фаолияти юзасидан танқидий-таҳлилий фикр билдирди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда, — деди партия етакчиси. — Жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номланиши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури асосида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани партиямиз олдида ҳам бир қатор устувор вазифаларни қўйди.

Барча даражадаги партия гуруҳи аъзолари халқ ичига чуқурроқ кириб бориб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш, аини пайтда уларни ҳал этиш бўйича қатъийлик кўрсатиши зарур. Президентимизнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» номли маърузасида билдирилган фикрлар ҳар биримиздан ўз ишминини танқидий қўриб чиқишнинг талаб қилади.

Кейинги йилларда Навоий вилоят партия кенгаши фаолиятида бир қатор сусткашликлар кузатилаётгани таъкидланди. ЎЗХДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган ўрганиш жараёнида вилоят кенгаши масъул ходимлари томонидан молча-ҳўжалик, кадрлар билан ишлаш, ҳисоботларни юритиш, Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларида жиддий камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди.

2016 йилда партиянинг жойлардаги Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган акарият мурожаатлар ҳал этилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шунингдек, партия вилоят кенгаши раисининг ўз ишга масъулиятсизлиги сабаб кадрлар қўнимсизлиги ҳолатлари авж олган.

Ижроқўм йиғилишида келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик, партия қўйи ташкилотлари фаолиятини жонлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ташкилий масала қўрилди. Акмал Асатов ўз вазифасидан озод этилди. Унинг ўрнига Қизилтепа туман партия кенгаши раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келаётган Фазлиддин Темиров Навоий вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб сайланди.

**Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

давлат ва жамият ривож, турмуш фаровонлигига хизмат қилади

Президентимизнинг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори академиклар, олимлар, умуман, зиёлилар томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Илм-фанга берилётган юксак эътибор, энг аввало, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.



Назар Тўраев,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси аъзоси:

— Фанларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар ўзаро узвий ҳолда ривожланади. Шу маънода Президентимиз қарори асосида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимида Фанлар академиясининг ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани жуда муҳим аҳамиятга эга.

Фанлар академияси тизимида интеллектуал салоҳияти юқори бўлган олимлар, академиклар йиғилган. Уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан академик фаннинг мамлакат иқтисодиётини янгилаш, ривожлантиришдаги ролини кучайтириш, Фанлар академиясининг илмий-инновацион фаолиятини такомиллаштириш ва мавқеини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг академиклар ва етакчи олимлар билан бўлган учрашувида жуда долзарб масалалар кўтарилган эди. Мазкур қарорда ушбу учрашувда билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўз ифодасини топганини айтишни истардим. 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жисмоний шахслар даромадига солиналган солиқлардан озод этилган ойлик гонорар белгиланди. Бундан ташқари, улар учун санаторий муассасаларида ҳар йили бепул соғломлаштириш курсидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Бугунги кунда академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб этилиб, юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун уларга зарур имкониятлар яратилмоқда.

Тан олиш керакки, илмий-техник салоҳиятнинг ҳозирги кундаги аҳволи, кадрлар билан таъминланганлиги, илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техника, тажриба ва лаборатория базаларининг ривожланиш даражаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг жадал суръатларидан ортда қолмоқда. Бу ҳолатга ўз вақтида ташаббускор бўлмаганимиз, фидойилик кўрсата олмаганимиз сабаб бўлган, деб ўйлайман.

Энди берилётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, мамлакатимиз илм-фанини янада ривожлантиришимиз, иқтисодий йигит-қизларни тарбиялаб, қўллаб-қувватлашимиз зарур.



Абдуғаффор ҚИРФИЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Фан, таълим,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси аъзоси, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалалари қамраб олинган. Мазкур қарор айнан Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини кузатилган бўлсак, уларда илм-фанни юксалтиришга жиддий эътибор қаратилди. Давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиши илм-фан ютуқлари асосида белгилаб олинди.

Илмий изланишлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилиб, илм-фан ва ишлаб

чиқариш ўртасидаги узвий интеграция таъминланса, илмий-технологик ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича катта натижаларга эришилади.

Қарорда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Хусусан, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибига бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилган. Буларнинг барчаси Фанлар академияси томонидан кенг қўламли фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни бирлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларини бартараф этиш имкониятини беради.


Қарорга мувофиқ, Вазиirlар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилмоқда. Агентлик зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, бу борда давлат топшириқларини шакллантириш сингари муҳим вазифалар юклатилди.

Уларнинг ижроси мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолиятини янги босқичга кўтаради. Шу билан бирга, интеллектуал салоҳиятни бирлаштирилади. Илмий изланишлардаги самарасиз мавзуларга ва такрорланишларга барҳам беришни таъминлайди. Очигини айтиш керак, сўнгги пайтларда ана шу каби масалаларда камчиликлар бор эди.

Бир сўз билан айтганда, Президент қарори ижроси илм-фаннинг изчил тараққиётига хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган устувор вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароитни яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилатгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда амалга оширилатган ислохотлар самардорлигини янада юксалтириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитни яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат экани билан ғоят аҳамият-лидир.

— Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир йўналиши бўйича аниқ белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия-мизнинг маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган асосий вазифаларни белгилаб олдиқ, — дейди партия вилоят кенгаши раиси М.Дархонов. — Ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўйга чиқарадиган куч сифатида янада фаол иштирок этиши лозим. Партия маҳаллий кенгашлари, депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини чуқур таҳлил этиш, уларнинг қай даражада самарали амалга ошири-лаётганини тизимли мониторинг қилиш, ечимини қутаётган, аҳолини ўйлантира-ётган масалалар юзасидан тавсиялар иш-лаб чиқиш, давлат ва бошқарув орган-лари билан биргаликда муаммоларни жойида ҳал этиш чораларини кўриш за-рурлиги таъкидланди.

Партиянинг туман ва шаҳар кенгаш-лари вакиллари, журналистлар ўзлари-ни қизиқтирган саволларга мутахассис-лардан жавоб олди.

И.АВВАЛБОВЕ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон ХДП
маҳаллий
кенгашларида

«ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР»

Хоразм вилоят партия кен-гаши «Истикбол» ёшлар қаноти Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси доира-сида давра суҳбати ўтказди.

Унда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳ-бари, вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Раимберган Сабуров жор-ий йилда депутатлар, партия ташки-лотлари олдида турган вазифалар ҳу-сусида сўз юритди.

Депутатлар, партия фаоллари то-монидан жойларда ёшлар билан ўтқа-зилаётган учрашув ва мулоқотларнинг самардорлигини ошириш кераклиги таъкидланди.

Жойлардаги муаммоларни ўрга-нишда «Истикбол» ёшлар қаноти, «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзоларининг кенг иштирокини таъминлаш масалалари атрофича муҳокама этилди.

Таъкидлаш керакки, «Ёш сиёсат-чилар» клуби фаоллари маҳаллий Кен-гашлар депутатлари билан ҳамкорлик-да ҳудудлардаги муаммоларни, улар-нинг келиб чиқиш сабабларини из-чил ўрганиб, тажриба ортирмоқда.

Алишер ЖУМАНИЕЗОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши
сектор мудири.

Давра суҳбати



«ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОИЛАНING ЎРНИ»

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида ушбу мавзуда маърифий тадбир ўтказди.

Маҳалла биноси кўркамгина экан. Ичкарида хотин-қизлар, ёши улуг отахон ва онахонлар хонага янада файз кўшиб турарди. Вақтдан фойдаланиб, улардан бири билан суҳбатлаш-дик.

— 82 ёшдаман, — дейди Манзура Раҳматуллаева. — Бир жойда ўтиришни ёқтирмай-ман. Доим бирор фойдали иш билан банд бўлсам, дейман. На-бираларимнинг ҳаммаси уйли-жойли бўлди. Энди навбат эва-раларимга. Худога шукр, бир неча йил олдин Умра сафарига бориб келдим. Бир болага етти маҳалла ота-она, дейишади. Шунга кўшилишимиз тез-тез

йўқлаб тураман. Уларга фар-занд тарбияси ҳақида ўз мас-лаҳатларимни бераман. Қобил фарзанд тарбиялаш ҳар бир ота-она, ҳар бир оиланинг бур-чи, деб биламан.

Тадбирда маҳалла фуқаро-лар йигини раиси Уткир Ҳайдаров ҳудудда олиб бори-лаётган ишлар, партия ташки-лотлари билан ҳамкорлик ҳусу-сида тўхталиб ўтди.

Катнашчилар фарзанд тар-бияси ҳусусида фикр-мулоҳаза-ларини билдиришди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева бола тар-бияси, жамиятда оиланинг ўрни,

ижтимоий ҳимоя масалалари ҳақида сўз юритди. Фарзанд тарбиясида кўпни кўрган кекса-ларимиз тажрибасини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш яхши самара беришини таъкидлади. — Дарҳақиқат, фарзандни тўғри тарбия қилолсак, келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор ҳозир-лаган бўламиз, — деди у.

Юридик фанлар доктори, профессор Бобоқул Тошев болаларни хавфли ахборотлар ва ёт гоялардан ҳимоялаш мақ-садида қабул қилинган меъё-рий-ҳуқуқий ҳужжатларни сод-да тилда шарҳлаб берди.

— Дунёнинг кўплаб мамла-катларида турли хунрезликлар

рўй бераётган бир пайтда биз тинч ва осуда ҳаёт кечиряпмиз. Бунинг қадрига етишимиз, тур-мушимиз янада фаровон бўли-шига ўз ҳиссамизни қўшимиз керак, — деди у. — Бунинг му-ҳим шарти фарзандларимизни билимли, дунёқароши кенг қилиб тарбиялашдан иборат. Энг аввало, ўғил-қизларимизда жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мафкура-вий иммунитетни шакллантири-шимиз, уларга ҳар томонлама ўрнатилган бўлишимиз керак. Замо-навий ахборот-технологиялари-дан тўғри фойдаланиш бўйича тушунарлар беришимиз лозим.

Давра суҳбатида, шунингдек, «Оила» илмий-амалий маркази масъул ходими Муҳиба Ҳами-дова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гу-руҳи аъзоси Нигора Эшметова, Учтепа туман партия кенгаши раиси Салтанат Муҳитдинова ва маҳалла фаоллари мавзу юза-сидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Партия маҳаллий кенгашлари, депутатлик гуруҳлари давлат ва бошқарув органлари билан биргаликда муаммоларни жойида ҳал этиш чораларини кўриши керак.

